

ЭКОТОПЛАРДА FANNIA R.-D. АВЛОДИГА МАНСУБ ҲАШАРОТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИЯСИ

Аннотация

В статье освещены данные о распространении, экологии, сезонной динамики некоторых видов рода *Fannia R.-D.* в общественных помещениях и зообиоценозах.

Определена энтомоцидная эффективность каротина 50 в отношении синантропных и зоотропных насекомых в помещениях.

Калит сўзлар: ҳайвон, озиқлантириш, ҳашарот, эмульсия, пуркагич, мавсумий миграция.

Мавтунинг долзарблиги. Чорвачилик инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари - гўшт, сут, тухум, снгил саноатни эса табиий хомашё билан таъминлайдиган кишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш уларни етарли ва сифатли озуқа билан таъминлаш билан бирга чорвачилик фермаларида санитария-гигиена ҳолатини тубдан яхшилашга боғлиқ.

Кишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш ва улардан сифатли маҳсулот шпллаб чиқаришни кўпайтиришда *Faimia R.-D.* авлодига мансуб синантроп ва зоотроп ҳашаротлар салбий таъсир этади. Бу авлодга мансуб ҳашаротлар нафақат чорва моллари озуқаси сифатини бузади, балки уларда турли хил миаз касалликларини чақириши мумкин. Улар бозорларда озиқ-овқат ва мевасабавот расталарида кўплаб учраб, озиқ-овқат маҳсулотларини инфекция ва инвазиялар билан зарарлаб, ошқозон - ичак тизими касалликларини келтириб чиқаришда салбий аҳамият касб этади.

Шу сабабли синантроп ва зоотроп ҳашаротларга қарши профилактик тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари аҳоли ва чорвачиликни санитария осойишталигини таъминлаш имко- нини беради.

Тадқиқот мақсади. Экологик гўшаларда ва зообиоценозларда учрайдиган *Fannia R.-D.* авлодига мансуб зарарли синантроп ва зоотроп ҳашаротларнинг экологиясини ва унинг мавсумий миграциясини ўрганиш. уларга қарши ўтказиладиган профилактик - санитария тадбир-

Summary

The article covers data on the distribution, ecology and seasonal dynamics of some species of the genus *Fannia R.- D.* in public premises and zoobiocenoses.

The entomocidal efficacy of carotene 50 has been determined with respect to synanthropic and zootropic insects in the premises.

ларининг оитимал муддатларини аниқлаш ва инсектицидлар самарасини аниқлаш мақсад қилиб олинди.

Талқикот материалы ва услуги. *Fannia R.-D.* авлодига мансуб чивинларнинг экологияси ва фенологиясини ўрганиш мақсадида 2016 йил экологик гўша сифатида ВИТИнинг бош маъмурий биноси ва Пайариқ туманида- ги “Плем чорвадори” фермер хўжалиги танлаб олинди. Экологик гўшада *Fannia R- D.* авлоди вакиллари кўп тўпланадиган экологик гўшанинг ойнали (шиша) юзаси инсектицид каратин - 50 препаратининг 0,003 фоизли сувли эмульсияси билан пуркагич аппарат ёрдамида дезинсекция қилинди (пуркалди). Йил мобайнида экологик гўшага тушган ҳашаротлар териб олинди. Зообиоценозларда мавсум давомида куннинг турли муддатларида ҳашаротлар энтомологик туткич (дока туткич) ёрдамида тутилди ва уларнинг турлари ВИТИнинг арахно энтомо- логия лабораториясида аниқлагич (А.А. Штакельберг. 1956) ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. *Fannia R - D.* авлоди вакиллари Insecta синфига Diptera туркумига, Muscidae оила- сига *Fannia R - D.* авлодига мансуб мавжуд 4 млнга яқин ҳашаротлар (Рўзимуродов А. Паразитизм биологический. Оптимизация животноводства., 2010) гуруҳининг 176 турини (0,0044 %) ташкил қилади.

‘ Тадқиқотларимизда экологик гўшаларда ва зообиоценозларда кўп учрайдиган *Fannia R,- D.* авлодининг вакиллари ўрганилди.

1-жаде ал.

Экологик гўшада *Fannia R.- D.* авлоди вакиллари мавсумий динамикаси

Fannia R.- D. авлоди турлари	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	жами
<i>F. scalaris</i>		47,3	50,8	1,04	0,52	0,17		0,17	44,6
<i>F. incisurata</i>		27,8	61,6	8,2	1,32	0,53	0,26	0,26	29,3
<i>F. leucosticta</i>		41,6	48,5	8,5	1,02			0,34	22,7
<i>F. canicularis</i>		28,6	66,7	2,4	2,4				3,25
<i>F. snbscalaris</i>				100					0,08

Зообиоценозларда *Fannia R,-D.* авлоди вакиллари нинг мавсумий динамикаси

Fannia R,- D. авлоди турлари	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Жами %
<i>F. scalaris</i>			25	54,2	16,7	4,16				6,28
<i>F. incisurata</i>				6,67	26,6	46,7	20			3,92
<i>F. leucosticta</i>				20	30	40	10			5,23
<i>F. canicularis</i>	7,43	10,8	15,2	17,3	20,7	12,6	9,9	3,7	2,16	84,5
<i>F. subscalaris</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	

Fannia R - D. авлодининг экологик гўшага тушган ҳашаротларнинг 1289 нусхаси 5 турга мансуб экзотифил ҳашаротлар ҳисобланиб, уларнинг мавсумий динамикаси 1-жадвалда умумлаштирилди.

Жадвалда кўриниб турганидек, экологик гўшада июн ойида *F. scalaris* 47,3 %, июль ойида 50,8 %, август ойида 1,04 %, сентябрь ойида 0,52 %, октябрь ойида 0,17 % кузатилди. Ноябрьда учрамади, декабрь ойида эса 0,17% ни ташкил этди. *F. incisurata* вакиллари июн ойида 27,8%, июль ойида 61,6 %. август ойида 8,2 %, сентябрь ойида 1,32 %, октябрь ойида 0,53 %, ноябрь ва декабрь ойида 0,26 % учраши аниқланди. *F. leucosticta* июн ойида 41,6 %, июл ойида 48,5 %, август ойида 8,5 %, сентябрь ойида 1,02 % ни ташкил этди, октябрь ва ноябрь ойида кузатилмади. Декабрь ойида 0,34% аниқланди. *F. canicularis* вакиллари июн ойида 28,6 %, июль ойида 66,7 %. август ойида 2,4%, сентябрь ойида 2,4 % учраши аниқланди. *F. subscalaris* - тадқиқотларимизда жуда кам кузатилди. Мавсум давомида факат август ойида 1 нусха аниқланди. Бу турларнинг мавсум давомида доминант-лик қилиши июль ойига тўғри келди яъни *F. scalaris* 50,8 %, *F. incisurata* 61,6 %, *F. leucosticta* 48,5 %, *F. canicularis* 66,7 % ни ташкил этди. Жами бу турлар ичида *F. scalaris* доминант (44,6 %), *F. incisurata* субдоминант (29,3 %), *F. leucosticta* субдоминант (22,7 %), *F. canicularis* кам сонли (3,25 %), *F. subscalaris* ноб (0,08 %) тур сифатида кузатилди.

Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, *Fannia R,- D.* авлоди вакиллари ксерофил ҳашаротлар ҳисобланиб. намгарчилик мавсумларида (бахор ойлари-да) кузатилмаслиги аниқланди.

Тадқиқотларимизнинг зообиоценозлар (чорвачилик фермер хўжаликлари) шароитида ўтказилган қисмида аниқланган *Fannia R - D.* авлоди вакиллари нинг мавсумий динамикаси тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Зообиоценозларда тутилган ҳашаротларнинг 382 нусхаси *Fannia R,- D.* авлодига мансуб бўлиб, улардан *F. scalaris* май ойида 25 %, июнь ойида 54,16 %, июль ойида 16,7 % ва август ойида 4,16 % учраши кузатилди.

F. incisurata вакиллари нинг асосан ёз ойларида фаоллиги кузатилди. Июнь ойида 6,67 %, июль ойида 26,6 %, август ойида 46,7 %, сентябрь ойида 20% ни ташкил этди.

F. leucosticta - турининг зообиоценозларда кам учраши

кузатилди. Бу тур вакиллари нинг ҳам фаоллиги ёз ойларига тўғри келди. Июнь ойида 20 %, июль ойида 30 %, август ойида 40 % ва сентябрь ойида 10 % учраши аниқланди. *Fannia R - D.* авлоди вакиллари ичида *F. canicularis* чорвачилик фермер хўжаликларида мавсум давомида бошқа вакилларига Караганда фаол ўқиши аниқланди. Бу турнинг фаоллиги март ойидан бошланди. Бу ойида 7,43 %, апрель ойида 10,8 %, май ойида 15,2 %, июн ойида 17,3 %, июль ойида 20,7 %. август ойида 12,6%, сентябрь ойида 9,9 %, октябрь ойида 3,7 %, ноябрь ойида 2,16 % ни ташкил этди. Зообиоценозлар шароитида *F. canicularis* *Fannia R,- D.* авлодининг бошқа вакилларига Караганда йил давомида доминант тур (84,5 %) сифатида кузатилди. Қолган турлар кам сонли тур сифатида эътироф этилди. Бу авлод вакиллари нинг фаоллиги асосан июль, август ойларига тўғри келди.

Fannia R- D. авлоди вакиллари чорвачилик хўжаликларида бино ичидаги экологик гўшага нисбатан кам учраши ва бу авлод вакилларида *F. subscalaris* нинг умуман зообиоценозларда учрамаслиги аниқланди.

Хулоса. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, *Fannia R,- D.* авлоди вакиллари асосан ксерофил ҳашаротлар ҳисобланганлиги сабабли уларга қарши ўтказиладиган профилактик тадбирларнинг йилнинг иссиқ фаслларида ўтказилиши юқори Самара беради. Каратин 50 препаратининг 0,003 фоизли сувли эмульсияси синантроп ва зоотроп ҳашаротларга қарши юқори инсектицид самара кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўпхати:

1. Штакельберг А. А. Синантропные двукрылые фауны СССР Изд АН СССР М. 1956, - С. 162.
2. Рўзимуродов А. Эволюция конуниятлари ва зообиохилма-хиллик. - Самарканд, "Zarafshon", 2008, - Б.88.
3. Рўзимуродов А. Паразитизм биологический. Оптимизация животноводства. - Самарканд, "Zarafshon", 2010, - Б. 158.
4. Рўзимуродов А., Рахимов М., Исмоилов А., Абдуллаева Д., Пўлатов Ф. Пиретроидлар. Табиий ўчоқли ва трансмиссив касалликлар муҳофазаси. - Самарканд, "Zarafshon". 2017, - Б. 92.